Гурлан ҳаёти

Муассис: Хоразм вилояти Гурлан тумани ҳокимлиги

Авлодларга обод ва обод Ватан қолдирайлик!

Газета 1931 йил 5 майдан чиқа бошлаган

2022 йил 30 апрель № 8 (7424) Шанба

E-mail: gurlan_hayoti@inbox.uz

www.gurlanhayoti.uz

КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсоннинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишлари роллни оширишга оид ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Айниқса, кекса ёшдаги нуроний отахон ва онахонлар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар оилада тинч ва иноқ муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гурлан туманида ташкил қилинган янги сиҳатгоҳда "Кексалар эъзозда" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида узоқ йиллар давомида турли соҳаларда меҳнат қилган нуроний ва ҳамда уларнинг яқин қариндошлари ишлар томонидан эъзоз ва эътибор билан кутиб олинди.

Шундан кейин меҳмонлар ушбу ерда жойлашган иссиқхона фаолиятини кўздан кечириб, санаторийда дам олувчи ва беморлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда туман ҳокими Муроджон Ачилов ва нуронийлар сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида яратилаётган имкониятлар ҳамда туманимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Бир пиёла чой устида давом этган "Уч авлод учрашуви"да туман маданият бўлими ходимлари иштирокидаги қуй-қўшиқлар барчага куш кайфият бағишлади.

Бу каби ижтимоий-маърифий лойиҳалар, имкониятлар ёши улуғ инсонлар мамлакатимизда доимо эътибор ва эъзозда эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПК-92-сонли қарорига асосан маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ёшлар етакчиларини жалб этган ҳолда жамоатчилик ва оилаларни ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Жумладан, Ёшлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан тумандаги мавжуд 50 та маҳалла ёшлар етакчиларининг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг ҳар бирига спорт анжомлари, китоблар жамламаси ва бошқа совғалар топширилди.

Туман ҳокими ёшлар етакчиларини учун яратиб берилаётган бу каби имкониятлар орқали маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш сифатини янада ошириш, кўзланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ

Ёшларда китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, комиссия бўлиб ишлаш барча амалларни китобнинг ўзи ўргатади. "2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб - қувватлаш миллий дастури"нинг "Йўл харитаси" иларини такомиллаштириш мақсадида маҳалларда ҳам бўлиб "Китобсевар миллат" шиори остида "Китобхон ҳафталиги" тадбири бўлиб ўтди.

Китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Ажбарот - кутубхона маркази ва китоб дўконларида китоб ярмаркаси ташкил қилинди ва китобхонлар адабиётлар билан яқиндан танишдилар. Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси, туман халқ таълими бўлими ҳамда туман Ажбарот - кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Китобхонлик ҳафталиги"ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора - тадбирлар Дастурига асосан бир ҳафта мобайнида турли китобхонлик тадбирлари ўтказилди.

Н. БОЛТАЕВА,
туман Ажбарот - кутубхона маркази директори

Мухим ислоҳотлар тадбиқ

ҒЎЗАНИ КУЛЬТИВАЦИЯЛАШ БОШЛАНДИ

Тумандаги Амударё кўдидда жойлашган "Оқмон уста" фермер хўжалигида ғўзани биринчи культивация қилиш бўйича кўргазмали семинар ташкил этилди.

Унда вилоят агросервис МТП МЧЖ раиси ўринбосари Мақсуд Устаназаров, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳодир Аташев, фермер хўжаликлари ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар ва нуроний отахонлар иштирок қилдилар.

Семинарда соҳада кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар томонидан ғўза ниҳолларини тўлиқ ундириб олиш, уларнинг ўсиб ривожланишини тезлаштириш, пахта майдонларини бегона ўтлардан тозалашда экин қатор оралари тупроқларини тўлиқ ва сифатли юмшатиш бўйича тушунтириш бериб ўтилди.

Шундан сўнг нуронийлар дуоси билан далаларда биринчи культивация қилиш ишлари бошлаб юборилди.

"Яшил макон" имкониятлари ошкораси

УСТОЗЛАР ЭККАН КЎЧАТЛАР

Мухим бўлмас инсон бир маҳал,
Мўъжизалик олам ярлақар.
Бирмоқ учун оламга сиғдик,
Олам дер Одам яралган.

Шу сатрларни қоғозга тушираётганда устоз шоиримиз Эркин Воҳидов қанчалар ҳақ эдилар. Бугун биз айни замида, она - ерга сайқал бериш палласида турибмиз.

Президентимиз ташаббуси билан республикамизда кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш бўйича мамлакат миқёсида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири - жаннатмакон Ўзбекистонимизни яшил маконга айлантиришдир.

Бизнинг мактабимиз жамоаси ҳам "Яшил макон" лойиҳасида фаол иштирок этишга қарор қилдик. Мактабда дарс машғулотлари тугагандан кейин "Ғоялар мамлакати" номли болаларни яшил маконга айлантиришга киришдик. Албатта, бизнинг севимли устозимиз, мактабимиз директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анора опа биринчи кўчатни ўтказдилар. Севимли устозимиз иш жараёнида ўзининг ибратомуз хикматлари, насиҳатлари билан барчамизга ибрат намуналарини кўрсатдилар. Биз эса кўчатларни бир зумда ўтказиб ташлаганимизни сезмай ҳам қолибмиз.

Амир айтишади-ку, яхшидан боғ қолади, деб. Биз экқан дарахт кўчатлари келажакда мактабимиз ўқувчиларининг соғлом ўсиб-улғайиши учун замин яратади. Йиллар кунлари сою-салом бориб ўқувчилар бемалол ҳордиқ чиқарадилар, машғулотлар олиб борадилар. Шу тариқа жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қадоғи ери Яшил маконга айланиб боравермайди.

Фозилат РАЖАПОВА,
3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг қадоғи ва ўрни бор. Шу сабаб ҳам аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бу жараёнда нафақат касалликларни асоратсиз даволаш, балки олдини олиш бирламчи вазифа сифатида белгиланган бежиз эмас. Инсон қанча кам хастаханса, ҳаёти шунчалик мазмунли ва фаровонлик бўлади.

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКЛАР

Гурлан туманида "маҳаллабай" ишлаш тизими асосида вилоят ва туман тиббиёт ходимлари иштирокида жойларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилмоқда.

Жумладан, тумандаги 14-сон оилавий поликлиникасида "Дўстлик" кишлоғи ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи фуқаролар Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Хоразм вилояти филиали мутахассислари ва тиббиёт ходимлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Касаллик аниқланган беморларни соғломлаштириш чоралари ҳам кўрилди. Бу эса вилоят ёки Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида интизомли асосда даволанишга эришишга эга бўлмаган беморларга бепул тиббий кўмакдан фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Вилоят мутахассислари доимий равишда туманга борган ҳолда аҳолининг соғлиғини мунтазам назоратга олиб, ҳар бир беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ўз вақтида шифохонага ётқизиш, даволаш ва реабилитация чораларини ташкил этиш, шунингдек, ҳар бир беморнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилиш ва керакли тавсияларни бериш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзи, жисмонан ва жисмоний фаолликни ошириш, соғлом овқатланиш борасида даврий суҳбатлар ўтказилмоқда.

Вилоят мутахассислари доимий равишда туманга борган ҳолда аҳолининг соғлиғини мунтазам назоратга олиб, ҳар бир беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ўз вақтида шифохонага ётқизиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича ишларни ташкил этиб боришмоқда.

-Мақсадимиз аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, хастахоналарни биринчи босқичда аниқлаб, тезкор даволаш чораларини кўриш,-дейди Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Хоразм вилояти филиали директори Дилшод Аминович Сапаев.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида тиббий кўриклар кафедра сиқалари ва кўчмас касалликларнинг олдини олиш, поликлиникаларда, балки хонадонларда ҳам ўтказилмоқда. Соғломлаштириш тадбирлари тумандаги ҳар бир маҳаллада режа асосида давом қилади.

ҲУЗАРО ҲАМКОРЛИК

Тумандаги Нуробод маҳалласидаги Маданият уйида "Китобсевар миллат" шиори остида ўтказилган Республика "Китобхонлик ҳафталиги"бўйича тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, туман халқ таълим бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, туман Ажбарот - кутубхона маркази ҳамда Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда китоб ўқишга қизиқувчи, турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб келаётган ўқувчи ёшлар ҳам иштирок этдилар.

Тадбир доирасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида туман Ажбарот - кутубхона маркази томонидан китоб дўконлари билан ҳамкорликда китоб ярмаркаси ҳам ташкил қилинди.

Ш. СОБИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси бош мутахассиси

ТАБИАТ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Туман давлат мактабгача таълим ташкилотларининг 5-7 ёшдаги тарбияланувчилари ўртасида "Табиат болалар нигоҳида" мавзусида расмлар танлови ўтказилди.

Танловда ғолиб бўлган жажи болажонлар дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Халқ депутатлари Гурлан тумани Кенгаши қарори

ГУРЛАН ТУМАНИ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛНИНГ 1-ЧОРАГИ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА ТУМАН АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ Н. ХАЙТИМЕТОВА ҲИСОБОТИ

Туманда меҳнат ресурслари 81490 нафар, шундан 64359 нафари иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Жами меҳнат фаолияти билан банд аҳоли 57901 киши, шундан расмий соҳада бандлар 21371 киши, норасмий соҳада бандлар 27156 киши, шундан 8933 нафари хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Туманда ишсизлар 6458 нафар, яъни ишсизлик даражаси 10 % ни ташкил қилмоқда.

Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига 1947 нафар фуқаролар мурожаат қилдилар, шундан 621 нафари аёллар. Марказ томонидан 256 нафар (шундан 81 нафари аёллар) фуқаролар турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, фуқароларни турли йўналишларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали 155 нафар (92 нафари аёллар) ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. 78 нафар (71 нафари аёллар) касб- ҳунарга эга бўлмаган фуқаролар турли хил касб-ҳунарларга ўқитилди. 44 нафар ишсиз, (42 нафари аёллар) ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг томорқа ерларига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриб берилди.

2022 йилнинг 3 ойи давомида туманда 9 та бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Ушбу меҳнат ярмаркаларида 490 та корхона-ташкилот 2739 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Меҳнат ярмаркаларида қатнашган 772 нафар фуқароларнинг 272 нафари ёшлар, 359 нафари аёллар. Шундан 52 нафар (32 нафари аёллар) фуқаролар турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди, 26 нафар аёлларни турли хил касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида йўлланмалар берилиб, ўқишга жалб қилинди.

2022 йил ҳолатига хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар 8933 нафарни ташкил қилади.

Меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар сони 643 (шундан аёллар 163) нафарни ташкил қилади. Ҳозирги кунда меҳнат миграциясидан қайтиб келган 313 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шулардан 282 нафари норасмий секторда банд бўлган фуқаролар, 12 нафари мустақил равишда ишга жойлашганлар, 5 нафари бўш иш ўринларига ишга жойлашган, 4 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

2022 йил январь-март ойлари давомида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш борасида 8285 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Шундан:

-ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 4 та;

-қурилиш соҳасида 52 та;

-қишлоқ хўжалик соҳасида 3122 та;

-ҳунармандчилик йўналишида 87 та;

-янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 98 та;

- янги оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 134 та;

-туризм ва спорт соҳасида 71 та;

-савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 4717 тани ташкил қилади.

Шунингдек, маъқул келадиган иш топилмаган 38 нафар (13 нафари аёллар) иш билан банд бўлмаган фуқаролар ижтимоий ҳимояга олиниб, ишсизлик нафақаси тайинланди.

Кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги" Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари Гурлан туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Гурлан тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 2022 йилнинг 1-чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Н.Хайтиметованинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокими биринчи ўринбосари У.Давлатов, туман ҳокими ўринбосари Н.Бабажанова, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Н.Хайтиметова) ишсиз фуқаролар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Давлатов, ҳоким ўринбосари - маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Р.Досимов), туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Н.Хайтиметова) тегишли ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагидаги фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ўқув-семинар ташкил қилсин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (О.Жабберганов) ва "Гурлан ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Ф.Абдуллаев ушбу қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда маҳаллий нашрларда эълон қилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияси раислари ва туман сектор раҳбарлари зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси М.А.Ачилов

Гурлан шаҳарчаси, 2022 йил 27 апрель

*Фуқаро муҳофазаси ойлиги

АМАЛИЙ ЎҚУВ МАШҚИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2022 йил 28 февралдаги 3-сонли йиғилишида қўйилган вазифалар, хусусан, фуқаро муҳофазаси тадбирларини ташкил қилиш, куч ва воситаларни шай ҳолатда сақлаш, фуқаро муҳофазаси мулкини авайлаб-асраш ҳамда мавсумий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳокими-Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2022 йил 9 мартдаги 133-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелидан 1 май кунига қадар вилоятимизда "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги" ўтказилмоқда.

Гурлан туманида жойлашган 5-умумий ўрта таълим мактабида шартли равишда "Содир бўлган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тўғрисида" амалий ўқув машқи бўлиб ўтди.

Ушбу амалий ўқув машқи Гурлан тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари, туман тез тиббий ёрдам хизматлари билан ҳамкорликда "Фуқаро муҳофазаси ойлиги" доирасида ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисмининг ёнғин ўчириш ва қутқарув асбоб-анжомлари намойиш этилди. Мактаб биносида шартли равишда "Зилзила", "Ёнғин" каби хавф-хатар сигналлари берилиб, амалий ўқув машқи ўтказилди. Ушбу ўтказилган тадбирда 200 нафар ўқитувчилар ва ўқувчилар билан "Аҳолини зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш", "Овқатдан оммавий заҳарланишларнинг олдини олиш", "Табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳамда хаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш" мавзуларида суҳбатлар ўтказилиб, мавзуларга оид 200 дан зиёд эслатма ва буклетлар тарқатилди. Тадбирга 2 та техника ва 12 нафар ходимлар жалб қилинди.

Хуршид УРАЛБАЕВ,
Гурлан тумани ФВБ ИТБ бошлиғи, катта лейтенант

Ҳукумат қарори (145-сон, 31.03.2022 й.) билан "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИ

Низомга мувофиқ, "Аёллар дафтари"га 30 ёшдан ошган қуйидаги хотин-қизлар киритилади:

-ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар;

-тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

-боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

-ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

-уй-жойга муҳтож хотин-қизлар;

-қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор эҳтиёжманд хотин-қизлар.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун хотин-қизларга 33 млн сўмгача 14 фоизлик кредитлар:

-оилавий тадбиркорлик учун - 3 ойдан 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача;

-чорвачилик, баликчилик, паррандачилик учун - 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача;

-боғдорчилик, узумчилик ва лимончилик учун - 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача ажратилади.

Аёлларга 5 млн сўмгача кредитлар нақд берилиши мумкин.

Мазкур низом тасдиқланиши муносабати билан "Аёллар дафтари"га оид илгариги вақтинчалик тартиб бекор қилинди.

Э. РЎЗМЕТОВ,
Гурлан тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси
М. ҚЎЗИБОЕВ,
туман юридик хизмат кўрсатиш маркази ходими

*Сўраган эдингиз, жавоб берамиз

ПЕНСИОНЕР НЕЧА СТАВКАГАЧА ИШЛАШИ МУМКИН?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорига илова "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида" Низомнинг 7-бандига кўра, ўриндошлик асосида ишлашда ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (соғлиқни сақлаш тизими врач ходимлари бундан мустасно). Ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда асосий иш жойида ички ўриндошлик ёхуд бошқа ташкилотда ташқи ўриндошлик асосида ишлашига йўл қўйилади.

Яъни ходим ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида ўриндошлик асосида 0.5 ставкагача, соғлиқни сақлаш тизими врач ходимлари эса 1 ставкагача ишлашлари мумкин.

Ўриндошлик асосида ишлаш тақиқланадиган ишларни мустасно қилганда, пенсионерларнинг ўриндошлик асосида ишлашига ҳеч қандай чеклов йўқ. Демак, пенсионер ходим жами 1,5 ставкагача, шифокор пенсионерлар эса жами 2 ставкагача ишлашлари мумкин. Бунда пенсионерлар ойлигини ҳам, пенсияни ҳам тўлиқ (100%) оладилар.

П. САБИРОВ,
туман ЮХКМ бошлиғи
М. САПАРБАЕВ,
туман ЮХКМ бош юрисконсульти

*Оила - маънавият ўчоғи

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, уларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг ибратли оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда тарғибот қилиш масалалари бўйича кўзга кўринарли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бироқ шунга қарамай, оила қўрғонининг бузилишига олиб келаётган бир қанча ташқи ва ички омилларга дуч келаётганимизни ҳам рад этиб бўлмайди. Ташқи омил сифатида ғарбона яшаш тарзининг ўзлаштирилиши бўлса, ички омил сифатида эса, ёшларнинг оилага маънавий жиҳатдан етарли тайёргарликка эга бўлмаслик масаласидир.

Бугунги оилаларда шафқатли ота, фарзандлар, атрофдаги инсонлар, бутун жамият хайрихоҳ, унинг фарзандларига, [illegible] бўлади. Шундай экан, оила қўрғонини асраш, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун [illegible] эътибор бериш лозим? [illegible] маънавий [illegible]. [illegible] унинг маънавий [illegible]. [illegible] ғарбона [illegible], [illegible] ўзбекона миллий хусусиятларимизга [illegible]. Фарзандлар тарбиясига [illegible].

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда тажрибали, кўпни кўрган отахон ва онахонлар ўгити, насиҳатлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзи ҳам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, жамиятда юзага келаётган янги оилаларга улар турмуши ибрат бўлса, тажрибасидан ўрганишса, ўйлаймизки, оила янада мустаҳкам ва вояга етаётган фарзандлар тарбияли бўлади. Бинобарин, оила қўрғони маънавий етуклик ва бой тажриба асосида янада мустаҳкамланиб борилади.

Одам болалари пок, ахлоқан баркамол бўлиши учун тенг имконият билан туғилади. Бироқ ота-оналарнинг тарбия тўғрисидаги билим, ҳафсала ва масъулияти ҳар хил. Кўпинча ота-оналарга "Фарзандингизни қандай тарбиялаяпсиз", десангиз, "Шукур, егани олдида, емагани ортида, бошқалардан кам йўқ", деган жавобни оласиз. Лекин бугунги кун оталари фарзандларини тани соғлиги билан бирга руҳиятини соғломлаштиришга ҳам жавобгарлигини унутмаслиги керак. Кундалик турмуш тарзида, ишда, юриш-турушда, атрофдагиларга муносабатда барча-барчасида ўзи кўргазмали қурол вазифасини бажариши шарт. Шундагина фарзандининг оғзидан "Отамга раҳмат!" сўзларини эшитиш бахтига муяссар бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар бир фарзанд, авваламбор дўстни, сирдошни, қалбига яқин инсонни оиласидан, яъни ота-онаси, ака-укаси, опа-сингилисидан излайди. Қачонки, у бундай самимият, ўзаро ишончни хонадонидан тополмаса, кўчадан, ёнатрофдан ахтара бошлайди. Карабсизки, дилбанд ўз оиласидан аста-секин "бегоналашиб", бошқалар билан фаол мулоқотга кириша бошлайди. Оқибатда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда аввалига кичик, кейин-чалик катта тўсиқ пайдо бўлади.

"Оммавий маданият" деб аталмиш ғайриинсоний тушунча, тамойил, дунёқарашлар кун, соат, дақиқа сайин ёшлар онгу тафаккурини эгалламоқда. Бундай шароитда фарзанд тарбиясининг долзарблиги ортса ортдики, камайган эмас. Зотан, турли ахборот хуружлари, ҳудудимизга ёт иллатлардан - фарзандлар тафаккурини муҳофаза этиш, шу билан бирга, уларда мавжуд маънавий бўшлиқни шарқона тарбиянинг нодир ва нозик жиҳатлари билан замонавий услубда бойитиш лозимлигини давр нинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугун турмушимиз фаровонлашиб, тобора равнақ топиб бормоқда. Бу тезкор иқтисодий тараққиёт ўз-ўзидан жамиятнинг маънавий юксалиши билан узвий боғлиқ. Зотан, маънавият тараққиётнинг иккинчи қаноти бўлиб, бунда ёш авлоднинг маънавий барқамоллиги, унинг ички оламини бойитиш, руҳий томонларини чиниқтириш, меҳнатсевар ва жасоратли этиб тарбиялаш олдимизда турган устувор вазифалардан саналади.

Бу борада маҳаллаларда нуронийларни ёшларга маънавий ҳомий сифатида бириктирилган, таълим муассасаларида "Оила-муқаддас даргоҳ" мавзуларида ёшлар билан учрашувлар, тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, ота-она, оила аъзоларини қадрлаш, одоб-ахлоқ, асосийси ёшларимиз ўз олдига мақсад қўйиб, мақсад сари ҳаракат қилиши тушунтириб борилмоқда.

М. ЎРАЗБАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Гурлан туман бўлинмаси раҳбари

КУТУБХОНА - ИНСОНИЯТНИНГ ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Мамлакатимизда жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Сўнгги йилларда китоб савдосига ихтисослашган дўконларни ташкил этиш, кутубхона фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина ишлар режалаштирилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-4354-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Гурлан тумани ахборот - кутубхона маркази биноси туман ҳокимлиги томонидан жорий таъмирланиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида жиҳозланди ва китоб фонди янги китоблар билан бойитилди.

Ҳозирда кутубхона 213 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлиб, китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ахборот -кутубхона марказида ахборот коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш хизмати бўлими ташкил этилган бўлиб, унда электрон ва аудио китоблар ва электрон маълумотлар билан китобхонларга хизмат кўрсатилмоқда.

Аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида чекка -чекка қишлоқларда 5та кўчма кутубхоналар ташкил қилинди ва ҳозирда улар ўз иш фаолиятини олиб боришмоқда.

Китобхонлар билан ўтказилиб турилган мавзули тадбирлар ва китобхонлик кўрик-танловлари асносида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги ишлар бир кун келиб ўз самарасини беради, албатта. Зотан, Президентимиз айтганларидек, "Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди". Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти - китоб ва кутубхоналардадир.

Туман Ахборот-кутубхона маркази библиография бўлими

*Статистика кўзгусида

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2022 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси 235,8 млрд. сўмни ёки 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 120,5 %ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси (умумий овқатланишни қўшган ҳолда) 1,9 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,8 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 183,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 77,9 % ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,4 % га ўсиш кузатилди.

Уюшмаган савдо товар айланмаси 50,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 21,3 % ни ташкил қилди ва 142,2% ўсиш кузатилди.

Туманда ташқи савдо айланмаси 3,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, жами ташқи савдонинг 35,0 фоизини экспорт, 65,0 фоизини импорт ташкил қилади. Импорт 2022 йилнинг январь-март ойларида 2,1 млн. долларни, экспорт 1,2 млн. долларни ташкил этди.

Туман ташқи савдо айланмаси 2022 йилнинг январь-март ойларида 3313,0 минг АҚШ долларини, жумладан экспорт 1160,4 минг АҚШ долларини, импорт 2152,6 минг АҚШ долларини, шунингдек ташқи савдо сальдоси минус 992,2 минг АҚШ долларни ташкил этди.

Гурлан туман статистика бўлими

*Мард аскар - ёшларга намуна

КЎРГАЗМАЛИ СПОРТ ТАДБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-92-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида тумандаги чекка ҳудудда жойлашган "Дўсимбий" маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 16-умумий ўрта таълим мактабида туман халқ таълими бўлими, "Ватанпарвар" ташкилоти Гурлан туман ЎСТК, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигида "Мард аскар-ёшларга намуна" шиори остида кўргазмали спорт тадбири ташкил қилинди.

Тадбирда сўзга чиқувчилар Ватан олдидаги ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг бурчи эканлиги, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш ҳамда уни кўз қорачиғидек асрашимиз лозимлигини уқтириб ўтдилар. Тадбир давомида мактаб ўқувчиларига пневматик қуролларининг техник ва тактик тузилишлари ҳақида ҳам тушунчалар берилди. Кўргазмали спорт тадбири сўнгида мактаб ўқувчилари пневматик қуролдан "Ўқ отиш" спорти бўйича ўзларининг мерганлик маҳоратларини ҳам синаб кўрдилар.

Я. ХАЙТБОЕВ,
"Ватанпарвар" ташкилоти туман ЎСТК бошлиғи ўринбосари